



## O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 28 » sentabr

№ 538

Toshkent sh.

### **Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Аудиторларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон қарори ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 4 августдаги ПҚ-5210-сон қарори билан тасдиқланган Республика худудларида аудиторлик фаолияти соҳасида малакали мутахассислар тайёрлашнинг илфор усулларини жорий этиш ва аудиторлик фаолиятининг норматив-хуқуқий базасини янада такомиллаштириш бўйича “йўл харитаси”нинг 10-бандига мувофиқ аудиторлик ташкилоти **фаолияти натижаларини таваккалчилик таҳлили асосида аудиторлик ташкилоти иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартибини белгилаш** назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кўйидагиларни назарда тутувчи Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин:

“Аудит” дастурий мажмуаси ахборот тизими ва идораларо ахборот ҳамкорлиги доирасида олинган маълумотлар асосида аудиторлик ташкилотининг таваккалчилик таҳлилини амалга ошириш;

таваккалчилик таҳлили натижаси ва таваккалчилик даражасини баҳолаш якунлари бўйича аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш;

ташқи сифат назорати натижасида аудиторлик ташкилоти фаолиятида аниқланган қоидабузарликлар ва кўрилган чоралар тўғрисидаги маълумотларни Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиш.

3. Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотларига мазкур қарорнинг мақсади ва мазмунини тушунтириш бўйича амалий чора-тадбирларни ташкил этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларирига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

5. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Баш вазирининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А. Кўчкоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А. Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Баш вазири**



**А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “28” сентябрдаги 538 -сон қарорига  
1-илова

**Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини  
ташқи назоратдан ўтказиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Молия вазирлиги) томонидан аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш (кейинги ўринларда – ташқи сифат назорати) тартибини белгилайди.

2. Ташқи сифат назорати охирги икки молиявий ҳисобот даврида мажбурий аудиторлик текширувини ўтказган аудиторлик ташкилотларига нисбатан қўлланилади.

3. Тижорат банклари молиявий ҳисоботини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказган аудиторлик ташкилотларини ташқи сифат назоратидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси Марказий банки билан биргаликда амалга оширилади.

4. Ташқи сифат назорати Молия вазирлиги томонидан аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари вакил(лар)ини жалб этган ҳолда амалга оширилади.

5. Аудиторлик ташкилотлари аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаси томонидан ташқи сифат назоратидан ихтиёрий асосда ўтиши мумкин. Назоратнинг мазкур тури ушбу Низомга мувофиқ Молия вазирлиги томонидан амалга ошириладиган ташқи сифат назоратини ўтказиш деб ҳисобланмайди.

6. Аудиторлик хизматларини кўрсатишда “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конунига риоя қилиниши лозим бўлган аудиторлик ташкилотлари фаолияти ташқи сифат назоратининг объекти ҳисобланади.

Ташқи сифат назоратини ўтказишда аудиторлик ташкилотининг молия-хўжалик фаолиятига аралашувга йўл қўйилмайди.

7. Конунийлик ва ташқи сифат назорати натижаларининг ошкоралиги ташқи сифат назоратининг асосий тамойиллари ҳисобланади.

8. Аудиторлик ташкилотининг ташқи сифат назоратидан ўтказиш учун зарур бўлган ахборотларни тақдим этмаслиги уни Аудиторлик ташкилотларининг реестридан чиқаришга асос ҳисобланади.

9. Аудиторлик ташкилотининг ташқи сифат назорати мазкур Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ ўтказилади.

10. Аудиторлик ташкилотларини ташқи сифат назоратдан ўтказиш муддати ўн иш кунидан ошмаслиги керак.

## **2-боб. Таваккалчилик таҳлили ва ташқи сифат назоратини ўтказиш тартиби**

11. Ташқи сифат назорати таваккалчилик таҳлили натижаси ва аудиторлик ташкилоти томонидан аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчилик талабларининг бузилиши содир этилиши таваккалчилиги даражасини (кейинги ўринларда – таваккалчилик даражаси) баҳолаш якунлари бўйича ўтказилади.

12. Таваккалчилик даражаси уч тоифага ажратилади:

қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги юқори бўлган аудиторлик ташкилотлари;

қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги ўртacha бўлган аудиторлик ташкилотлари;

қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги паст бўлган аудиторлик ташкилотлари.

13. Энг кўп содир этиладиган қоидабузарликлар рўйхати Молия вазирлиги томонидан шакллантирилади ва молия вазирининг буйруғи билан тасдиқланади. Даврий янгиланган рўйхат ҳар йили 1 январга қадар Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилиб борилади.

14. Таваккалчилик даражаси қуидаги кўрсаткичлар бўйича таҳлил қилинади:

Молия вазирлиги томонидан ўтказилган олдинги ташқи сифат назорати натижалари;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмалари томонидан ўтказилган ташқи сифат назорати натижалари (мавжуд бўлганда);

аудиторлик ташкилотларининг халқаро аудиторлик ташкилотларига ёки ассоциацияларига аъзолиги (мавжуд бўлганда);

аудиторлик ташкилотини ташкил этиш ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш бўйича мажбурий талабларга риоя этиш, шунингдек, “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунида белгиланган мажбуриятларни бажариш;

аудиторлик ташкилотининг “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни талабларини бузадиган ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари мавжудлиги;

аудиторлик ташкилотининг муассислари (иштирокчилари) таркибида илгари аудиторлик фаолияти тўғрисидаги қонунчиликни бузганлик учун фаолияти тугатилган аудиторлик ташкилотининг муассиси (иштирокчиси) бўлган жисмоний шахсларнинг мавжудлиги.

15. Таваккалчилик таҳлили ўтказилганда қуидаги маълумот манбаларидан фойдаланилади:

“Аудит” дастурий мажмуининг ахборот тизими (кейинги ўринларда – “Аудит” дастурий мажмуаси) орқали тушган маълумотлар;

аудиторларнинг республика жамоат бирлашмаларида мавжуд бўлган маълумотлар, шунингдек, аудиторлик ташкилотининг ҳамда аудиторларнинг ишчанлик обрўси тўғрисидаги ахборотлар;

идоралараро ахборот хамкорлиги доирасида бошқа давлат органлари (Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Давлат солик қўмитаси, Давлат активларини бошқариш агентлиги)дан тушган (олинган) маълумотлар;

Молия вазирлигига тушган мурожаатлар;

фойдаланиш учун очиқ бўлган бошқа ахборотлар.

16. Таваккалчилик даражасини таҳлил қилиш Молия вазирлиги томонидан ҳар йили 1 февралга қадар амалга оширилади, бундан аудиторлик ташкилоти ёки аудиторнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаатлари тушган ҳоллар мустасно.

17. Молия вазирлиги таваккалчилик таҳлили натижалари бўйича аниқланган таваккалчилик даражаси тўғрисида “Аудит” дастурий мажмуаси орқали ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 10 февраляга қадар аудиторлик ташкилотини хабардор қиласди.

18. Аудиторлик ташкилоти уч иш куни мобайнида аниқланган қоидабузарликларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи асослантирувчи маълумот ва ҳужжатларни “Аудит” дастурий мажмуаси орқали тақдим этади.

19. Белгиланган муддатда аудиторлик ташкилоти томонидан қоидабузарлик ҳолатлари бартараф этилганлиги тўғрисида тегишли ҳужжатлар тақдим этилмаса, таваккалчилик даражаси юқори бўлган аудиторлик ташкилотларига Молия вазирлиги томонидан аудиторлик ташкилотини ташқи сифат назоратидан ўтказишни Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил (кейинги ўринларда – ваколатли орган) билан келишиш бўйича буюртманома тайёрланади.

Таваккалчилик даражаси ўртacha бўлганда Молия вазирлиги аудиторлик ташкилоти томонидан қоидабузарлик ҳолатларини бир ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиш бўйича аудиторлик ташкилотларига огоҳлантириш хати юборади. Қоидабузарлик ҳолатлари белгиланган муддатда бартараф этилмаса, у аудиторлик ташкилоти таваккалчилик даражаси юқори бўлган аудиторлик ташкилоти деб ҳисобланади

ва таваккалчилик даражаси юқори бўлган аудиторлик ташкилотларига нисбатан қўлланиладиган чора-тадбирлар амалга оширилади.

Таваккалчилик даражаси ўртacha ва паст бўлганда Молия вазирлиги томонидан ваколатли органга ташқи сифат назоратини ўтказиш бўйича буюртманома қилинмайди.

20. Ташқи сифат назоратини ўтказиш бўйича келишув буюртманомаси ваколатли органга қўйидагилар илова қилинган ҳолда тақдим этилади:

таваккалчилик таҳлили натижалари тўғрисида ахборот ёки аудиторлик ташкилоти ёхуд аудиторнинг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан жисмоний ёки юридик шахсларнинг мурожаати нусхаси;

ташқи сифат назоратини ўтказиш дастури (саволнома).

21. Ташқи сифат назоратини ўтказиш ваколатли орган билан келишилган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида қўйидаги маълумотларни ўз ичига оладиган Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи чиқарилади:

ташқи сифат назоратини ўтказиш учун асос бўладиган хужжатнинг номи, рақами ва санаси;

аудиторлик ташкилотининг номланиши;

ташқи сифат назоратини ўтказиш муддати ва даври;

ташқи сифат назоратини ўтказишда иштирок этадиган шахслар таркиби;

ташқи сифат назоратини ўтказиш дастури (саволнома).

22. Молия вазирлиги “Аудит” дастурий мажмуаси орқали ташқи сифат назоратини ўтказишнинг муддати ва предмети кўрсатилган ҳолда ташқи сифат назоратининг бошланиш санасидан камида ўн кун олдин аудиторлик ташкилотини хабардор қиласди.

23. Молия вазирлиги зарурат бўлганда, маҳсус билим ва кўнималарга эга аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган эксперталарни ташқи сифат назоратида қатнашишга жалб қилиши мумкин.

24. Ташқи сифат назорати бошланишидан олдин Молия вазирлигининг ташқи сифат назоратини ўтказувчи масъул вакили қўйидагиларни амалга оширишга мажбур:

аудиторлик ташкилоти раҳбарига ўз хизмат гувоҳномаси ва ташқи сифат назоратини ўтказиш хукуқини берувчи маҳсус гувоҳномасини кўрсатиш;

аудиторлик ташкилоти раҳбарини ташқи сифат назоратини ўтказишнинг мақсади ва дастури билан таништириш;

“Текширувларни рўйхатга олиш китоби”ни тўлдириш, китоб ёки унинг электрон шаклини тўлдириш имкони мавжуд бўлмаган тақдирда, бу ҳақида ташқи сифат назорати далолатномасида қайд этиш;

ташқи сифат назоратини ўтказиш тўғрисидаги буйруқнинг бир нусхасини аудиторлик ташкилоти раҳбарига тилхат асосида тақдим этиш;

ташқи сифат назоратини ўтказиш ваколати ва дастурига (саволномага) риоя қилиш.

25. Ташқи сифат назоратини ўтказиш тўғрисидаги ҳужжат нусхаси аудиторлик ташкилотига тилхат асосида тақдим этилган кун ташқи сифат назоратини ўтказиш бошланган кун ҳисобланади.

Аудиторлик ташкилотининг ушбу ҳужжатларни қабул қилишдан бош тортиши ташқи сифат назоратини ўтказишни тўхтатишга асос ҳисобланмайди. Бундай ҳолатда далолатнома расмийлаштирилади ва унда келтирилган сана ташқи сифат назорати бошланган кун ҳисобланади.

### **3-боб. Ташқи сифат назорати натижаларини расмийлаштириш тартиби**

26. Ташқи сифат назорати натижалари бўйича далолатнома тузилади ва унда қўйидаги маълумотлар акс эттирилади:

далолатнома тузилган сана, вақти, жойи ва рўйхатга олиш рақами;

ташқи сифат назоратини ўтказган ваколатли органларнинг масъул шахслари фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

ташқи сифат назорати тўғрисида Ўзбекистон Республикаси молия вазирининг буйруғи рақами ва сана;

аудиторлик ташкилотининг номи ва жойлашган жойи;

ташқи сифат назоратини ўтказишда иштирок этиш учун жалб қилинган мутахассисларнинг фамилияси, исми, отасининг исми, лавозими;

ташқи сифат назоратини ўтказиш бошланган сана ва уни тугатиш санаси;

ташқи сифат назорати натижалари бўйича хулоса.

27. Ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатнома имзоланган сана кўрсатилган ҳолда ташқи сифат назоратида иштирок этган барча шахслар томонидан имзоланади ва камида икки нусхада тузилади.

28. Аудиторлик ташкилотига ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатнома тақдим этилган санада ташқи сифат назоратини ўтказиш якунланган ҳисобланади. Аудиторлик ташкилоти ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатномани олишдан бош тортса, бу ҳақида Молия вазирлиги томонидан ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатномага тегишли ёзув киритилади. Бундай ҳолатда ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатноманинг бир нусхаси аудиторлик ташкилотига буюртма хат қилиб почта орқали юборилади.

29. Ташқи сифат назорати натижаларига кўра аниқланган қоидабузарликлар бўйича Молия вазирлиги уларни бартараф этиш мажбуриятини аудиторлик ташкилотига юклайдиган ва бундай қоидабузарликларни бартараф этиш муддатларини белгилайдиган билдиришнома юборади. Билдиришномада қоидабузарликларни бартараф этиш муддати бир ойдан кўп бўлмаслиги кўрсатилади.

30. Аудиторлик ташкилоти билдиришнома бўйича зарур хужжат ва маълумотларни тақдим этмаган тақдирда, Молия вазирлиги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 43-моддасига мувофиқ аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқаради.

31. Молия вазирлиги аудиторлик ташкилотининг қуйидаги қоидабузарликлари аниқланганда судга мурожаат қилишга ҳақли:

аудиторлик фаолиятидан ташқари бошқа фаолият турлари билан шуғулланиш ёки фаолият турининг ўзгариши;

“Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Конунининг 34-моддасида назарда тутилган аудиторлик текширувини ўтказиш чоғида чекловларнинг бузилиши;

била туриб сохта аудиторлик хулосасини тузганлик.

32. Ташқи сифат назорати натижалари:

аниқланган қоидабузарликлар юзасидан кўрилган чоралар кўрсатилган ҳолда Молия вазирлигининг расмий веб-сайтида эълон қилинади;

ташқи сифат назорати тугатилганидан кейин уч кун ичida Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимиға киритилади.

33. Ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатнома камида беш йил сақланади. Ташқи сифат назорати натижалари тўғрисидаги далолатнома манфаатдор шахсларга фақат тақдим этиш тўғрисида қонуний кучга кирган суд қарори асосида тақдим этилиши мумкин.

#### **4-боб. Ташқи сифат назорати ўтказиладиган шахсларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари**

34. Аудиторлик ташкилоти раҳбари қуйидаги хуқуқларга эга:

ташқи сифат назоратини ўтказиш жараёнида бевосита қатнашиш ва ташқи сифат назоратига тегишли масалалар бўйича тушунтириш бериш;

Молия вазирлигининг ташқи сифат назорати билан боғлиқ масалаларга алоқаси бўлмаган талабларини бажармаслик;

ташқи сифат назорати натижалари билан танишиш.

35. Аудиторлик ташкилоти раҳбари қуйидаги мажбуриятларни зиммасига олади:

ташқи сифат назоратини ўтказиш билан боғлиқ бўлган ҳужжат ва ахборотларни, шу жумладан, электрон ахборот тизимларида сақланадиган ҳужжат ва ахборотларни тақдим этиш;

ташқи сифат назорати натижасида аниқланган қоидабузарликларни бартараф этиш ва олдини олишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш.

### **5-боб. Якунловчи қоидалар**

36. Ташқи сифат назоратини амалга оширишда юзага келадиган низолар қонунчиликда белгиланган тартибда ҳал этилади.

37. Аудиторлик ташкилоти давлат органлари ва бошқа ташкилотлар ходимларининг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) юзасидан қонунчиликда белгиланган тартибда шикоят қилиши мумкин.

38. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Аудиторлик ташкилотининг  
иши сифатини ташқи назоратдан  
ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомга  
илова

**Аудиторлик ташкилотининг иши сифатини ташқи назоратдан ўтказиш  
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Ижро муддати
1-босқич	Аудиторлик ташкилоти	Аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни Молия вазирлигига ёзма ёки электрон шаклда тақдим этади.	Ҳар йили 20 январга қадар
2-босқич	Молия вазирлиги	Тақдим этилган маълумотлар асосида “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг талаблари бўйича энг кўп содир этиладиган қоидабузарликларнинг намунавий рўйхатидан келиб чиқиб, аудиторлик ташкилоти томонидан қоидабузарликлар содир этилиши таваккалчилиги даражасини аниқлайди.	Ҳар йили 1 февралга қадар
3-босқич	Молия вазирлиги	Аниқланган таваккалчилик даражаси ва қоидабузарликлар тўғрисида “Аудит” дастурий мажмуаси орқали аудиторлик ташкилотини хабардор қиласди.	Ҳар йили 10 февралга қадар
4-босқич	Аудиторлик ташкилоти	Аниқланган қоидабузарликларнинг бартараф этилганлигини тасдиқловчи маълумот ва ҳужжатларни “Аудит” дастурий мажмуаси орқали Молия вазирлигига тақдим этади.	3 иш куни ичида
5-босқич	Молия вазирлиги	Таваккалчилик даражаси паст ва ўртача бўлган, шунингдек, белгиланган муддатда қоидабузарликлар бартараф этилганлиги тўғрисида Молия вазирлигига ҳужжатларни тақдим этган таваккалчилик даражаси юқори бўлган аудиторлик ташкилотларида ташқи сифат назоратини ўтказмайди. Таваккалчилик даражаси ўртача бўлганда аудиторлик ташкилоти томонидан қоидабузарлик ҳолатларини бир ойдан кўп бўлмаган муддатда бартараф этиш бўйича аудиторлик ташкилотларида огоҳлантириш хати юборилади. Таваккалчилик даражаси юқори	Таваккалчилик таҳлили натижаларига кўра

		<p>бўлган аудиторлик ташкилотлари томонидан қоидабузарликлар бартараф этилганлиги тўғрисида хужжатлар тақдим этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакилга ташқи сифат назоратини ўтказиш тўғрисида буюртманома юборади.</p>	
6-босқич	Молия вазирлиги	<p>Ўзбекистон Республикаси хузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг хукуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил билан келишган ҳолда ташқи сифат назоратини ўтказиш ҳақида буйруқ чиқаради.</p>	7 иш куни ичida
7-босқич	Молия вазирлиги	<p>“Аудит” дастурий мажмуаси орқали ташқи сифат назоратини ўтказиш бўйича аудиторлик ташкилотини хабардор қиласди.</p>	Ташқи сифат назоратининг бошланиш санасидан камида 10 кун олдин
8-босқич	Аудиторлик ташкилоти	<p>Ташқи сифат назоратини ўтказиш билан боғлиқ бўлган хужжат ва ахборотларни, шу жумладан, электрон ахборот тизимларида сақланадиган хужжат ва ахборотларни тақдим этади.</p>	Ташқи сифат назорати бошланган кунда
9-босқич	Молия вазирлиги	<p>Ташқи сифат назоратини ўтказади ва унинг натижалари бўйича далолатномани расмийлаштиради.</p>	10 кундан ошмаган муддатда
10-босқич	Молия вазирлиги	<p>Аниқланган қоидабузарликлар ва кўрилган чоралар тўғрисида расмий веб-сайтда эълон қиласди. Ташқи сифат назорати натижаларини улар тугатилганидан кейин Текширувларни электрон рўйхатга олиш ягона тизимига киритади.</p>	3 иш куни ичida
11-босқич	Молия вазирлиги	<p>Кўйидаги таъсирчан чоралардан бирини кўради: судга мурожаат қилиш; аудиторлик ташкилотини Аудиторлик ташкилотлари реестридан чиқариш.</p>	Қоидабузарликлар аниқланганда

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “28” сентябрдаги 538сон қарорига  
2-илова

## Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорлариға киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

**1.** Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16 октябрдаги 215-сон қарори билан тасдиқланган Корхоналардаги ички аудит хизмати тўғрисидаги низомда:

а) 6-банддаги “аудиторнинг малака” сўzlари “аудитор” сўзи билан алмаштирилсин;

б) куйидаги мазмундаги 24<sup>1</sup>-банд билан тўлдирилсин:

“24<sup>1</sup>. Корхонанинг кузатув кенгаши ички аудит хизмати ходимларини танлов асосида тайинлади, шунингдек, аудиторлик ёки назорат қилувчи органлар текширувида ички аудит хизмати ходимларининг фаолияти билан боғлиқ камчиликлар аниқланган тақдирда, уларнинг ваколатини муддатидан олдин тугатади”.

**2.** Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 26 январдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган Молиявий ҳисботнинг халқаро стандартлари бўйича ўқитиши ва бухгалтерларни халқаро сертификатлаш доирасида имтиҳонларни топшириш харажатларини қоплаш тартиби тўғрисидаги вақтингчалик низомда:

а) 16-банд қуйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“давлат органи ходими, олий таълим ташкилоти педагог кадри ёки талабаси эканлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ёхуд маълумотнома;

олий маълумот тўғрисидаги диплом нусхаси (ушбу ҳужжат фақат олий таълим ташкилотларининг битирувчилари учун тақдим этилади)”;

б) 28-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

“давлат органи ходими, олий таълим ташкилоти педагог кадри эканлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси ёки маълумотнома”;

еттинчи ва саккизинчи хатбошилар тегишлича саккизинчи ва тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

